



БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

Нурманов Холбек Раҳматилла ўғли

Тошкент давлат юридик университети
“Жиноят қонунчилигини қўллаш назарияси ва амалиёти”
йўналиши магистратура босқичи талабаси
Телефон: +998 93 235 52 52
Gmail: xolbek.nurmanov123@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7989011>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-May 2023 yil
Ma'qullandi: 28-May 2023 yil
Nashr qilindi: 31-May 2023 yil

KEY WORDS

Босқинчилик, объект, жиноят субъекти, объектив томони, субъектив томони, предмет, қурол, шахс, зўрлик ишлатиб, талон-тарож.

ABSTRACT

Мазкур мақолада босқинчилик жиноятининг жиноят ҳуқуқий тавсифи ва жиноят таркиби таҳлил қилинган бўлиб, бу борада олимларнинг фикрлари ўрганилган.

Ғараз мақсадларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар орасида босқинчилик ўзининг ижтимоий хавфлилиги даражаси юқорилиги билан ажралиб туради. Зўрлик ишлатиладиган жиноятлар эркаклар ўртасидаги ўлимнинг 14% ни ва аёллар ўртасидаги ўлимнинг 7% ни ташкил этади. Ушбу ташкилот томонидан шундай статистик маълумотлар келтирилган: ҳар дақиқада дунёда бир киши зўрлик ишлатиладиган жиноят қурбони бўлади, ҳар 40 секундда камида битта ўз жонига суиқасд қилиш жинояти содир бўларкан. Қуролли низолар ва тўқнашувлар сабабли ҳар соатда 35 та инсон ҳаётдан эрта кўз юмар экан. XX асрнинг ўзидаёқ урушлар 191 млн. кишининг ёстиғини қуритди. Ўлдирилган ҳар бир одамга 40 тадан оғир жароҳат олган киши тўғри келади. Сўнгги вақтда босқинчиликнинг ортиши ҳам кузатилмоқда. Масалан, Россияда барча содир этилган босқинчилик жиноятларини 100% деб олсак, шундан 72,5% ни олдиндан тил бириктирган ҳолда, уюшган гуруҳ томонидан, турар жой, омбор ёхуд бинога ноқонуний бостириб кириш орқали, қуролдан фойдаланиб, катта миқдордаги мулкни қўлга киритиш мақсадида содир этилган босқинчилик жиноятлари ташкил қилади, 75% ҳолатда жабрланувчига нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлинади. Босқинчилик жинояти баъзан бошқа зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар (одам ўлдириш, одам ўғирлаш) билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.¹

Босқинчилик ўзганинг мол-мулкига қарши қаратилган энг хавfli жиноятлардан бири бўлиб, уни содир этганлик учун жавобгарлик ЖК

¹ Интернет сайти: <http://www.utro.ru/news/20021003163119104000.shtml>.

164-моддасида назарда тутилган. Босқинчиликнинг ижтимоий хавфлигини юқорилиги, аввало, шу билан боғлиқки, бу жиноят натижасида ўзганинг мол-мулки эгаллаб олинаётганда жабрланувчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғига ҳам зиён етказилади ёхуд бундай зиён етказилиши учун реал хавф вужудга келади². Е.А.Фролов бу ҳолларда жиноят-ҳуқуқий муҳофазани асосий, кўшимча ва факультатив объектларини ажратишни маслаҳат беради. Унинг таъкидлашича, қонун чиқарувчи қонун нормасини белгилаётганда, энг аввало, муҳофазага олиниши керак бўлган ижтимоий муносабатлар асосий объектдир. Асосий объект сифатида маълум жиноят содир этилганида деярли ҳамма ҳолда зарар етган ёки ҳақиқий хавф остида қолган ижтимоий муносабатлар тушунилади³, дейди. Биз таҳлил қилаётган босқинчилик жиноятининг объекти ҳақида юридик адабиётларда турли фикрлар билдирилган. Кўпчилик муал-лифларнинг фикрларига кўра, босқинчилик икки объектли: ўзганинг мол-мулки, фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғидир. Лекин айрим муаллифлар бу жиноятнинг икки объектли эканлигини рад этмаган ҳолда босқинчиликнинг асосий объекти ўзганинг мулки эканлигини тан олмайдилар. Шунингдек, А.П.Севрюковнинг таъкидлашича, бос-қинчиликнинг умумий объекти иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир. Турдош объекти ўзганинг мулки. Бевосита объект-лари эса: 1) ўзлаштирилган мол-мулк; 2) жабрланувчининг соғлиғи; 3) агар босқинчилик уй-жойга ғайриқонуний йўл билан кириб содир этилган бўлса, фуқаронинг турар жой дахлсизлиги каби конституциявий ҳуқуқидир⁴.

Биз бу фикрларга қўшила олмаймиз. Чунки, бунда муаллифлар босқинчилик жинояти таркибининг элементи бўлган субъектив томонини характерловчи белгилари – яъни, жиноятнинг мотиви ва мақса-дини эътиборга олмаган. Ваҳоланки, кўпчилик мулкий жиноятлар, жумладан, босқинчиликда мотив ва мақсад субъектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади. Чунки босқинчи жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига тажовуз қилар экан, унинг энг авваламбор мақсади ўзганинг мулкини эгаллашга қаратилганлигидадир, яъни мулкни эгаллашдир. Мотиви эса ғараздир. Аммо айбдор ўз мақсадини амалга оширишда мулк эгаси ёки мулк учун жавобгар бўлган шахс ёхуд мулкни олишга тўсқинлик қилган ёки тўсқинлик қилиши мумкин бўлган шахслар асосий тўсиқ бўлиб қолади. Тажовузчи эса ушбу тўсиқни бартараф қилмасдан туриб, яъни мулк эгаси ёки мулкни қўриқловчи ёхуд мулкни олишга тўсқинлик қилган ёки тўсқинлик қилиши мумкин бўлган шахсларнинг қаршилигини енгмасдан туриб, ўз мақсадига эриша олмаслигини билади ва шунинг учун ҳам мулкни эгаллаш мақсадида биринчи навбатда уларнинг қаршилигини енгитиш учун ушбу шахсларнинг соғлиғига тажовуз қилади. Б.С. Никифоров босқинчилик жиноятининг асосий объекти ўзганинг мулкидир⁵, дейди. И.С.Сирота ҳам шундай фикрда бўлиб, босқинчиликнинг асосий объектини аниқлашда мулкни эгаллаш мақсадининг борлиги асос ҳисобланади⁶,

² Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 4-т. . ИLM-ZIYO нашриёт уйи, Т.2011. Б.17.

³ Фролов Б.А. Объект уголовно-правовой охраны и его роль в организации борьбы с посягательствами на социалистическую собственность. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридический наук. Свердловск. 1971. стр. 25, 26.

⁴ Севрюков А.П. Хищение имущества (криминологические и уголовно-правовые аспекты). –М.: Изд. «Экзамен», 2004. С. 143.

⁵ Б.С.Никифоров Объект преступления. Изд. “Юридическая литература” 1960. С. 56.

⁶ Сирота С.И. Преступления против социалистической собственности и борьба с ними. ВГУ. 1968. С. 73.

дейди. М.Х.Рустамбоев фикрича, босқинчиликнинг бевосита объекти ўзганинг мол-мулкини муҳофаза қилишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар. Бевосита қўшимча объекти сифатида эса фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар намоён бўлади⁷.

Биз ҳам бу муаллифларнинг фикрларига қўшилаемиз. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, босқинчиликнинг объекти ўзганинг мулки ва жабрланувчининг соғлиғи, деган муаллифларнинг фикрига қўшилаемиз. Ўзганинг мулкини талон-торож қилишнинг предмети одамлар меҳнати натижасида яратилган, иқтисодий жиҳатдан фойдали, сотиш, сотиб олиш ва алмашув қийматига эга бўлган одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган буюмлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шунингдек Ўзбекистон пули ва валюта қимматликлари ҳисобланади.

Моддий ва алмашув қийматига эга бўлмаган нарсалар ўз иқтисодий қийматини йўқотади ва бундай нарсаларни эгаллаб олиш талон-торож жинояти ҳисобланмайди, чунки бу нарсаларга инсон меҳнати билан яратилган моддий маънодаги нарсалар бўлмаганлиги сабабли, талон-торожнинг предмети бўла олмайди. Масалан: ёввойи ҳайвонлар, дарё-кўллардаги балиқларни уш-лаш, ўрмондаги дарахтларни кесиш, ер ости бойликларини қазиб олиш. Буларни ғайриқонуний эгаллаб олиш фақат қонунда кўрса-тилган ҳоллардагина жиноят, деб ҳисобланади.

Агарда махсус питомниклардаги, заповедниклардаги ёввойи ҳайвонлар, махсус кўлларда етиштирилган балиқлар бўлса, бу нарсалар талон-торожнинг предмети, шунингдек босқинчилик жинояти-нинг ҳам предмети бўлади. Шунингдек, ёввойи ҳайвонларни, дарё, кўллардаги балиқларни овлаган ёки ўрмондаги дарахтларни кесган шахс уларни сотаётган вақтда ёхуд бошқа ҳолда бошқа шахс томо-нидан қонунга хилоф равишда эгалланган бўлса, бу нарсалар ҳам ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятларининг, шу жумладан, босқинчилик жиноятининг ҳам предмети бўлади. Чунки, бу икки ҳолда ҳам инсонларнинг меҳнати сарфланган ва инсонларнинг меҳнати натижасидир. Талон-торожнинг предмети кўчар ва кўчмас мулклар бўлиши мумкин. Кўчмас мулклар фақатгина товламачилик (165-модда) ва фирибгарлик (168-модда) жиноятларининг предмети бўлади. Бошқа талон-торож қилиш жиноятларининг (босқинчилик (164-модда); талончилик (166-модда); ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (167-модда) ва ўғрилиқ (169-модда) предметлари кўчар мулклар бўлади, лекин кўчмас мулкларнинг айрим қисмлари (эшиги, деразаси ва ҳоказо) ҳам бу қилмишнинг предмети бўлиши мумкин. Талон-торож содир этилаётган вақтда фуқаролар, давлат, коорпора-тив хўжаликларининг ёки жамоат бирлашмаларининг жамғармасида бўлган мулклар ҳам талон-торожнинг предмети бўлади.

Мулкдорнинг эгалигидан чиқиб кетган ёки мулкдорнинг эгали-гига, жамғармасига келиб тушиши керак бўлган, лекин келиб тушма-ган мулклар талон-торожнинг предмети бўла олмайди. Лекин булар-ни ғайриқонуний эгаллаб олиш қонунда кўрсатилган ҳолатларда жиноят деб ҳисобланади ва ЖК нинг тегишли моддалари билан ква-лификация қилинади. Масалан, қазилма ишлари олиб борилаётганда ер остига беркитилган мулклар топиб олинганида давлатга топширилмаса ёки мулк қонун бўйича, шартнома ва бошқа битимларга асосан фуқароларга,

⁷ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 4-т. . ИLM-ZIYO нашриёт уйи, Т.2011. Б.17.

давлат ёки жамоат ташкилотларига топширилиши лозим бўлсада, ҳали уларнинг ихтиёрига топширилмаган бўлса, содир қилинган қилмиш талон-торож, деб топилмайди, чунки бу нарсалар талон-торожнинг предмети бўла олмайди, яъни солиқлар, давлат божи, электроэнергия, газ, яшаш ва уй-жой ҳақлари учун тўланадиган тўловларни тўлашдан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан бўйин товлаш талон-торож деб топилмайди. Агарда бундай нарсаларни қазиб олувчи муассасалар ёки разведка этувчилардан қазиб олингандан сўнг ер ости бойликларини қонунга хилоф равишда олган бўлса, бу нарсалар талон-торожнинг предмети бўлади, шунингдек босқинчилик жиноятининг ҳам. Корхо-налар, ташкилотлар ёки муассасаларнинг қатъий ҳисобидаги муста-қил қийматга эга бўлмаган ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар бланка-ларни қонунга хилоф равишда эгаллаш талон-торож деб топилмайди, чунки бу нарсалар талон-торожнинг предмети бўлмайди. Агарда улардан фойдаланиш мақсадида қонунга хилоф равишда эгалланган бўлса, ЖКнинг тегишли моддалари (227- ва 228-модда-лари) билан квалификация қилиниши лозим.

Агарда ҳужжат, штамп ва печатлар ўзганинг мулкани талон-торож қилиш мақсадида ғайриқонуний эгалланган бўлса, айбланувчининг ҳаракатлари жиноятлар жами бўйича квалификация қилини-ши лозим, яъни ЖК 227-моддаси ва ўзганинг мулкани талон-торож қилишга тайёргарлик кўриш (тегишли усулларга қараб) деб квалифи-кация қилинади.

Юқоридагиларга мувофиқ, босқинчилик предмети – ўзганинг мол-мулки бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси пули, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар (акция, облигация, вексел, чеклар, сертификатлар), ойлик йўл чипталари, метро ва телефон жетонлари, кўчар мулклар ва бошқа моддий қийматга эга бўлган нарсалар ҳисобланади. Кўчмас мулклар, бирон бир ўзгаришлар киритилмасдан фойда-ланиш мумкин бўлмаган қоғозлар босқинчиликнинг предмети бўла олмайди⁸.

Жиноят ҳуқуқига оид адабиётларда жиноятнинг объектив томонига қўйидагича тушунча берилган. «Жиноят қонуни билан қўрикланадиган объектга қарши қилинган ижтимоий хавfli ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ташқи ҳолатини характерловчи белгилар жиноятнинг объектив томони деб айтилади»⁹. Ўзганинг мулкани босқинчилик, товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик ва ўғриликни бир-биридан фарқлашда жиноят объектив томони-нинг характерловчи белгиларига таянилади. Бу жиноятлар объекти, субъекти, субъектив томонига кўра бир-биридан фарқ қилмайди. Шунга кўра босқинчиликнинг объектив томонини таҳлил қилмасдан туриб, қилмишни тўғри квалификация қилиб бўлмайди. ЎзР ЖКнинг 164-моддаси 1-қисмида берилган босқинчилик тушунчасига кўра, жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиги учун хавfli бўлган зўрлик очиқдан-очиқ ёки жабрланувчига билдирмасдан ҳам содир қилиниши мумкин. Шунинг билан бирга юридик адабиётларда олимлар томонидан зўрлик ишлатиш, тажовуз қилишнинг таърифлари берилган, шу сабабдан улар турлича талқин қилинади. Олимлар орасида яна бошқа қарашлар ҳам мавжуд. А.А.Пинаев босқинчилик жиноятини асосий ва бевосита объекти жамоат хавф-сизлигидир,

⁸Зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торож жиноятлари. Монография. Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доц. М.Усмоналиев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. бет.

⁹Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. –Т.: «Янги аср авлоди», 2005. 165-бет.

қайсики босқинчилик ҳужуми меҳнаткашларнинг нормал меҳнат қилиш ва дам олиш шароитини бузиб, оз миқдорда бўлса ҳам мулк эгаси ва унинг шахсига зарар етказди,¹⁰ дейди. Б.С. Болотский ҳам бундай қарашни қўллаб-қувватлайди¹¹. А.А.Пинаев ўз фикрини шундай баён этади: «Амалиётда босқинчилик ҳужуми натижасида шахсга ҳам, мулкка ҳам ҳеч қандай зарар етказмайдиган ҳолатлари бўлиши мумкин: Масалан, айбдор қурол макетидан фойдаланиб жабрланувчининг арзимас қийматдаги мулкига эга бўлиш мақсадида ҳужум қилади», деб тушунтиради, биз бу фикрга ҳам қўшила олмаймиз, чунки жабрланувчи ҳужум қилувчининг қўлидаги қуролнинг макет эканлигини билмайди. Агар мулк эгаси тажовузчининг қўлидаги қуролнинг макети эканлигини билса, бундай ҳолатда умуман босқинчилик жиноят таркибининг элемент-лари бўлмайди. Ўзганинг мулкни эгаллаш мақсадида тажовузчининг очиқдан-очиқ қилган бундай ҳаракатлари «талончилик» жинояти таркибини ташкил этганлиги учун бундай ҳаракат «талончилик» жинояти деб квалификация қилиниши лозим. Ҳужум қилиш тушунчаси жиноят ҳуқуқи назариясида босқинчилик жиноятининг энг мураккаб ва мунозарали белгиларидан бири ҳисобланади. Айни бир вақтда адабиётларда бу масалага етарли даражада эътибор қаратилмаган. Айрим муаллифлар ҳужум қилишга нисбатан умуман таъриф бермайдилар, бошқалари эса ҳужум қилиш билан зўрлик ўртасида фарқ йўқ, деган фикрни билдирганлар. Босқинчилик содир этишдаги ҳужум қонунга хилоф равишда очиқдан-очиқ ёки яширин равишда тўсатдан жабрланувчига, яъни мулкдорга, мол-мулкка қонуний равишда эгаллик қилувчи мулк эгасига, шунингдек, талон-торож қилишга қаршилик кўрсатаётган бошқа учинчи шахсларга зўрлик ишлатиб ғайриқонуний таъсир кўрсатишда ифодаланади.¹² ЎзР Жиноят кодексидаги ўқотар қуроллар, жанговар қурол-аслаҳалар, портловчи моддалар, кучли таъсир этувчи ва захарли моддалар ҳамда гиёҳвандлик воситаларини босқинчилик ҳужуми орқали талон-торож қилишини назарда тутувчи нормалар бошқача тарзда тузилган бўлиб, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятлари туркумидан чиқарилган. Бу ўринда бундай мулкларни талон-торож қилиш мустақил жиноят сифатида эмас, балки талон-торож жинояти содир этишнинг усули сифатидагина намоён бўлади. Чамаси, бу шундай ҳол билан боғлиқки, санаб ўтилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлиги тегишли нарсалар-нинг хусусий шахслар қўлига тушиб қолиши билан боғлиқ, бу эса, жамият хавфсизлиги ва аҳоли саломатлигига хавф туғдиради. Бундан ташқари юқорида номлари келтирилган нарсалар аҳоли ўртасида эркин муомиладан чиқарилгандир. Бу ҳақда М.Х.Рустамбоев қуйидагича фикрлайди:

“Босқинчилик” ишлатиладиган зўрлик жабрланувчидан тортиб олинган мол-мулкни эгаллаш ёки ўзида сақлаб қолиш усули ҳисобланади. Босқинчиликни квалификация қилиш учун айбдор томонидан зўрликнинг мол-мулк эгаси ёки уни қўриқлаётган шахс ёхуд мулк тасарруфида бўлган шахс ёхуд ўзганинг мулкни эгаллашга тўсқинлик қилган шахсларга нисбатан ишлатилганлигининг аҳамияти йўқ. Ўзганинг мол-мулкни эгаллаш ёки сақлаб қолиш мақсадида зўрликнинг ишлатилиши жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Агар зўрлик бошқа мақсадда, масалан,

¹⁰ Пинаев А.А. Уголовно-правовая борьба с хищениями. Харьков. 1975 стр. 47.

¹¹ Болотский Б.С., Кригер Г.П. Ответственность за разбой. М.,”Юридическая литература” (рецензия) “Советская юстиция” №4. 1969., Б.31.

¹² Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 4-т. . ИLM-ZIYO нашриёт уйи, Т.2011. Б.18.

содир этилган ўғирликдан кейин қўлга тушишдан қутулиб қолиш мақсадида ишлатилган бўлса, бундай қилмишни босқинчилик деб ҳисоблаш мумкин эмас, айбдорнинг ҳаракатлари ўғрилик (ЖК 169-модда) ва шахсга ёки бошқарув тартибига қарши жиноят, деб ҳисобланади. Айбдор қачонки шахс ҳаёти ёки соғлиғига зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилган тақдирдагина ҳужумни босқинчилик деб квалификация қилиш мумкин.¹³ Б.Гугучиянинг фикрича, жабрланувчининг мол-мулкани қўлга киритиш мақсадида гангитувчи моддаларни қўллаши босқинчилик сифатида қаралиши керак, чунки бундай ҳаракат босқинчилик учун хос бўлган жисмоний куч ишлатишдан амалда ҳеч қандай фарқ қилмайди¹⁴. М.А.Ефимов ва Г.Л.Кригернинг ёндашуви ҳам юқорида-гига ўхшаш. Уларнинг фикрича, жиноятчилар фойдаланган гангитув-чи моддаларнинг одам ҳаёти ва соғлиғи учун хавфлилиги ёки бундай зарар етказиш бошланиш хавфини келтириб чиқаришининг ўзиёқ бу каби ҳаракатларни босқинчилик деб квалификация қилиш учун етарлидир¹⁵.

М.Х.Рустамбаев тўғри таъкидлаганидек, айбдор қачонки шахс ҳаёти ёки соғлиғига зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилган тақдирдагина ҳужумни босқинчилик деб квалификация қилиш мумкин. Бундай зўрлик ишлатиш таҳдиди жабрланувчига руҳий зўрлик орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Зўрликнинг хусусиятини оғзаки, қуролни кўрсатиш, имо-ишора (масалан, «ўлдираман», «майиб қиламан», «кўзингни ўйиб оламан» дейиш) қилиш, жабрланувчининг ҳаётига ёки соғлиғига оғир тан жароҳати етказиши мумкин қурол, тўппончани, пичоқни ёхуд шу мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган бошқа предметларни жабрланувчига кўрсатиш, шунингдек ҳужум ҳаракатларини амалга ошириш (оғир предмет билан бошига урушга ҳаракат қилиш, ўқ отар қурол ёки пичоқни ўқталишва ҳ.к.) орқали ҳам ифодалаш мумкин. Зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилишни амалга ошириш усули: оғзаки, қўл ҳаракатлари ва бошқалар ЖКнинг 164-моддаси билан квалификация қилишга таъсир қилмайди.

Босқинчилик ҳужуми вақтидаги таҳдид қуйидаги белгиларга эга бўлиши зарур:

- 1) жисмоний зўрлик дарҳол қўлланилиши мумкинлиги хавфини ўз ичига олган, яъни реал (ҳақиқий) бўлиши;
- 2) келгусида эмас, айнан ҳужум пайтида ҳақиқатда мавжуд бўлиши.

Босқинчилик амалга оширилаётган пайтдаги кўрқитиш аниқ ёки ноаниқ бўлиши мумкин. Жиноят ҳуқуқи назариясида ҳар қандай ижтимоий хавfli қилмишни содир қилган, қонун билан белгиланган ёшга етган, жиноят содир қилиш пайтида ақли расо жисмоний шахсларгина жиноят субъекти бўла оладилар¹⁶. Жиноятнинг субъектига берилган бу таъ-рифдан, жиноятнинг субъектини характерловчи қуйидаги белгилари-ни кўрсатиш мумкин:

- 1) жиноят содир этиш пайтида айбдорнинг ақли расолиги;
- 2) жиноят содир этишда маълум ёшга етганлиги, яъни ЖКнинг 17-моддасида кўзда тутилган жиноят субъект ёшига етганлиги;
- 3) айбдорнинг фақат жисмоний шахс эканлиги.

¹³ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 4-т. . ИЛМ-ЗИҲО нашриёт уйи, Т.2011. Б.20.

¹⁴ Гугучия М.Б. Ответственность за разбой по советскому уголовному законодательству. Сухуми, 1958. 31-бет.

¹⁵ Кригер Г.Л. Ответственность за разбой. М.1969, 17-бет. Ефимов М.А. Преступления против социалистической собственности. Ўқув кўлланмаси, Горький, 1975, 45-бет.

¹⁶ Русамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. (умумий қисм). –Т.: Илм зиё, 2005. 142-б.

Ана шу учта белги ЖКнинг махсус қисмида санаб кўрсатилган барча жиноятларнинг субъекти учун зарурий бўлган белгилардир. Агарда айбдорда шу белгилардан биронтаси бўлмаса, у муайян жиноятнинг субъекти бўла олмайди. Лекин бу белгилар Жиноят Кодексини Махсус қисмида кўрсатилган жиноятлар учун умумий бўлган белгилардир. Жумладан, биз таҳлил қилаётган жиноятнинг, яъни босқинчилик жиноятини содир қилган шахслар учун ҳам тегишли бўлган белгилардир. Биз таҳлил қилаётган

ЎзР

ЖКнинг

164-моддасида кўрсатилган жиноятнинг субъект ёши ҳам 17-моддага биноан 14 ёшдан белги-ланган. Шунга кўра, босқинчилик жиноятининг субъекти жиноят содир қилиш вақтида 14 ёшга тўлган ва ақли расо бўлган шахслар бўла олади. Ана шу белгиларни мавжудлигининг ўзи айбдорни босқинчилик жиноятини содир қилишнинг субъекти, деб топишга ва жинойи жавобгарликка тортишга сабаб бўлаверади.¹⁷ Босқинчилик содир қилаётган шахс ўзгаларнинг мулкани эгаллаб олиш мақсадида жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатаётганлигини биледи ва шуни истаб ҳаракат қилади. Шунга кўра, ушбу жиноятнинг субъектив томонининг зарурий белгиси айбдорнинг жиноят содир қилиш мотиви ва мақсади ҳисобланади. Агарда жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш унинг мулкани эгаллаш мақсадисиз қилинган бўлса, айбдорнинг ҳаракатини босқинчилик деб эмас, балки шахсга қарши жиноятлардан бири деб ҳисоблаб, ЖК тегишли модда-си билан квалификация қилинади. Демак, босқинчиликда айбдорнинг жиноят содир қилиш мотиви ғараз бўлади, мақсади бировнинг мулкани қонунга хилоф равишда эгаллашдан иборат бўлиши мумкин¹⁸.

Ю.М.Кракетовнинг таъкидлашича, формал ва кесик таркибли жиноятларда жиноятлар фақат тўғри қасддан содир қилинади¹⁹. Босқинчилик кесик таркибли жиноят бўлганлиги учун ҳам фақат тўғри қасддан содир қилинади. Биз Ю.М. Каракетовнинг босқинчилик жиноятини шахсга қар-ши жиноятлар бобига ўтказилиши керак, деган фикрига қўшилмай-миз²⁰. Бунинг асосий сабаби шундаки, айбдор шахснинг ҳаёти ва соғлиғи учун зўрлик ишлатиб тажовуз қилар экан, унинг асосий мақсади жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилиш эмас, балки зўрлик ишлатиб тажовуз қилиш орқали қонунга хилоф равишда мулкни эгаллашдан иборат бўлади. Қисқа қилиб айтганда, тажовуз-чининг мақсади мулк эгаси ёки уни қўриқловчи ёхуд мулкни олишга тўсқинлик қилган ёки тўсқинлик қилиши мумкин бўлган шахснинг қаршилигини зўрлик ишлатиб синдириш билан амалга ошириб, мулкни қўлга киритишдан иборатдир.²¹ Агарда субъект ўғрилиқ ёки талончилик йўли билан ўзганинг мулкани талон-торож қилишни мақсад қилган бўлса, лекин жинойи ҳаракатни амалга ошириш вақтида жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатишга мажбур бўлган бўлса, айбдорнинг ҳаракати босқинчилик деб квалификация қилинади. Босқинчилик субъектив томондан тўғри қасд ва ғаразли

¹⁷Зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торож жиноятлари. Монография. Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доц. М.Усмоналиев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. 35 бет.

¹⁸Зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торож жиноятлари. Монография. Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доц. М.Усмоналиев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. бет.

¹⁹ Каракетов Ю.М. Автореферат диссертация на соискание учстеп.к.ю.н. Ташкент, 1980г. с.13.

²⁰ Каракетов Ю.М. Автореферат диссертация на соискание учстеп.к.ю.н. Ташкент, 1980г. с.15.

²¹Зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торож жиноятлари. Монография. Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доц. М.Усмоналиев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. 65 бет.

мақсадларда ифодаланади. Айбдор жиноят содир этишда унинг томонидан содир этилаётган зўрликнинг жабрланувчи ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфлилигини ва ушбу зўрлик ўзганинг мулкани ўзи ва ўзга шахслар фойдасига эгаллаш воситаси сифатида ишлатилаётганлигини тушунади ва шуни хоҳлайди²².

Демак, босқинчилик жинояти тўғри қасддан содир қилинади. Жиноятнинг мотиви ва мақсади субъектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади ва бир-бирига жуда боғлиқдир. Чунки, жиноятнинг мотиви шахсда жиноят содир этиш учун журъат туғдиради ва жиноятнинг содир этилишига сабаб бўлади, яъни бу жиноятни содир этишга хоҳиш уйғотувчи ички ҳиссиётдир. Жиноятнинг мақсади эса шахснинг жиноят содир қилиш орқали бирор-бир мақсадга эришишга бўлган интилишидир. Масалан: босқинчиликнинг мотиви таъмагирлик бўлса, мақсади - бойишдир.²³

Б.В.Харизишвили - “Шахсни нима ҳаракатлантирапти? деган саволга мотив жавоб берса, мақсад бу ҳаракат қаёққа йуналтирилганлигини билдиради”, дейди²⁴. Шунинг учун ҳам босқинчиликда айбдор ўзганинг мулкига қонунга хилоф равишда эга бўлиш мақсадида мулк эгасига ёки мулк учун жавобгар шахсга ёхуд мулкни олишда тўсқинлик қилган ёки тўсқинлик қилиши мумкин бўлган шахсга ҳужум қилади. Агарда айбдорда қасд олиш, безорилик, рашк ва бошқа сабаблар туфайли зўравонлик қилгандан кейингина мулкка эгалик қилиш нияти пайдо бўлган бўлса, бундай ҳаракатни босқин-чилик деб квалификация қилиб бўлмайди. Бизга маълумки, қасд иккига бўлинади: олдиндан ўйланган ва тўсатдан пайдо бўлган қасд. Шунинг учун ҳам босқинчиликнинг зарурий белгиси бўлиб зўрлик, ўзганинг мулкани олишдан олдин мақсад қилиб қўйилган бўлиши керак ёки ўзганинг мулкани олиш вақтида ўзганинг мулкани олиш учун ишлатилган бўлиши керак.

References:

1. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торож жиноятлари. Монография. Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доц. М.Усмоналиев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011.
2. Фролов Б.А. Объект уголовно-правовой охраны и его роль в организации борьбы с посягательствами на социалистическую собственность. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридический наук. Свердловск. 1971. стр. 25, 26.
3. Блиндер Б.А. Объект преступления и потерпевший в преступлениях против личности. «Проблемы советского государство и право». Т., 1970. С. 90.
4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 4-т. . ИLM-ZIYO нашриёт уйи, Т.2011. Б.17.
5. Севрюков А.П. Хищение имущества (криминологические и уголовно-правовые аспекты). –М.: Изд. «Экзамен», 2004. С. 143.
6. Каракетов Ю.М. Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с разбоем. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридический наук. Т., 1980. С. 11.
7. Михайлов М.П. Уголовная ответственность за кражу личного имущество и разбой. М. 1958. С. 45.
8. Б.С.Никифоров Объект преступления. Изд. “Юридическая литература” 1960. С. 56.

²² Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 4-т. . ИLM-ZIYO нашриёт уйи, Т.2011. Б.21.

²³ Зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торож жиноятлари. Монография. Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доц. М.Усмоналиев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. бет.

²⁴ Б.В.Харизишвили. Вопросы мотива поведения преступника в Советском праве. Тбилиси 1963, 45-бет.

9. С.И.Сирота. Преступления против социалистической собственности и борьба с ними. ВГУ. 1968. С. 73.
10. Г.А.Кригер Квалификация хищения социалистического имущество. –М., 1981. с.135; Уголовное право. Часть особенная, М 1968. с. 137.
11. S.S.Niyozova. Prevention of Crime in the Family and the Role of Victimology in the Republic of Uzbekistan. International Journal of Advanced Science and Technology Vol. 29, No. 3, (2020), p. 3962.
12. Niyozova Salomat Saparovna. Strong Emotional Arousal (Effect) As A Criminal Law Norm. The American Journal of Political Science Law and Criminology (ISSN – 2693-0803) Published: March 31, 2021 | Pages: 96-102 Doi:<https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume 03 Issue p. 03-15>.

